Сувон МЕЛИ

# АСЛ АДАБИЁТ — ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ

Бу айтадиганим баҳс ҳам, мунозара ҳам эмас. Фақат бир мулоҳаза. Кўпдан бери қийнаб ва ўйлантириб келган бир муаммо ҳақида. Газетанинг ўтган сонларида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг ёшлар прозаси ҳақида мулоҳазалари ва ёшлар насри ҳақида ёшлар гурунгини ўқигандан кейин бу борадаги фикрим анчайин қатъийлашди, дейиш мумкин.

Бу муаммо анъанавий реалистик йўл билан Ғарбдан ўзлашган модерн услуби ва кейингисининг адабиётимиз, хусусан, ўзбек насридаги ўрни масаласи.

*Аввало, бу йўл ҳақида қисқача тўхталсак. Модернизм дастлаб XIX аср адоғи — XX аср аввалида Ғарбий Оврўпо заминида пайдо бўлди.* У Ғарб кишиси руҳиятида рўй берган маънавий инқирознинг адабиёт ва санъатдаги акс-садоси эди. Кафка, Жойс ва М. Пруст сингари бу йўл даҳолари бир пайтлар жаҳонга довруғ солдилар. Модернизм гўё жаҳонни забт этди, реализм гўё эскирди.

Йўқ. Аксинча, модернизм эскирди. Асримизнинг 60-70-йилларидан бошлаб бу йўлнинг чекланганлиги, ўз имкониятларини тамом сарф этиб бўлиб, энди шалвираб қолгани маълум бўлди. Бу — биринчидан. Иккинчидан, у Ғарб заминида пайдо бўлган ва Ғарб кишиси дунёқарашига мос ҳамда Ғарб цивилизациясининг қусурли томонларини ўзига сингдирган, шимиб олган оқим. Модернизм пайдо бўлган даврда Ғарб кишиси тамом умидсизликка тушган, ҳамма нарсага, ҳатто Худога ҳам ишонмай қўйган эдики, бу инсон шахсини кемирувчи руҳий-маънавий емирилишнинг айни ўзидир.

Собиқ совет тузуми ўзининг соцреализм адабиёти талабларидан келиб чиқиб, модернизмни унча хушламасди. Лекин айримлар ўйлаганидек, совет тузуми ёмон деган ҳамма нарса яхши эмас.

Шеъриятда аввалроқ, 80-йиллардан бошлаб кўпгина ўзбек адиблари модерн услубида асарлар ёза бошладилар. Бу бир тарафдан тоталитар тузумнинг бадиий адабиётга ўтказган зуғумига ўзига хос жавоб, исён эди. Ҳам ижодий эркинликнинг белгиси эди.

Аммо модерний йўл(Шукур ака таъбири билан айтганда) мустақил Ўзбекистонга, келажакка умид билан боқаётган ўзбек халқига қанчалик уйғун, нимаси билан яқин? Бу саволга, менингча, фақат салбий жавоб бўлиши мумкин.

Адабий жамоатчилигимизнинг бир қисмида модерн услубига, йўлига маҳлиё бўлиш бор. Баъзилар уни адабиётимиздаги услублар ранг-баранглигининг намойиши тарзида ҳам изоҳлашади. Бўлса бордир. Лекин бу йўл фақат услубгина эмас. У ўзига хос мафкура ҳам. Юқорида айтилган Ғарб кишиси онгидаги руҳий-маънавий инқироз вируслари услуб вужудига кирган ва бу йўл қайси адабиёт заминида яшай бошлаши билан ушбу вируслар ўзини кўрсатмай қолмайди. Ҳаётнинг, воқеликнинг негатив, қора томонларини кўз-кўз қилиш, кулфат, йиғи-сиғи ва ёлғизликдан ҳузур олиб, буни бошқаларга юқтиришга уриниш, тор бир доирада ўралашиб қолиш бу йўлнинг характерли белгиларидан. Йўлнинг маънавий макони тор ва биқиқ. Ҳаётнинг нур ва соялар қоришиқ ва улар алмашиб турадиган кенг йўли бу услуб муҳиблари учун мутлақо йўқ ёки тамом ёпиқдек.

Бундан модерний йўл мутлақо яроқсиз ва зарарли экан-да, деган хулоса чиқмайди. У инсоният бадиий тафаккурини чуқурлаштиришда, инсон руҳияти пучмоқларига кириб боришда муайян ютуқларга эришди. Ғарбнинг кўплаб буюк реалистлари, хусусан, У. Фолкнер модернизмнинг талай ютуқларини реалистик тасвир доирасига олиб кириб, катта бадиий кашфиётларга эришди. Бизда ҳам шу каби уринишлар мавжуд. Демак, модернистик йўл реализмга хизматкор бўлгандагина адабиётимизда яшашга ҳақли.

Модернистик тақлиднинг манфий моҳиятини англаш адабиётга энди қадам қўяётганлар учун айниқса муҳим. Андерсон эртагидагидек, қирол ёлғончи эканини кимдир, қачондир айтиши керак-ку! Айрим тажрибали мунаққидлар ҳам модерн услубида ёзилган асарлар ҳақида сўз юритганда асл моҳиятга етмай маҳлиё бўлишлари ачинарли ҳолдир.

Шукур ака «Кечирасиз, жаноб Карпентер, вақтим зиқроқ!» мақоласида модерний муаллифлар ҳақида жуда истиҳола билан сўз юритади. Фақат бир ўринда қатъий бир фикр айтади: «Мен гапимнинг бутун масъулиятини гарданимга олиб, айни чоғда ўзим мақтаган муаллифларнинг асарларини гувоҳ сифатида кўрсатиб айта оламанки, айниқса, руҳ йўлидаги адибларимизда ТИЛ чатоқ». Бу гапнинг мағзи чақилса, шу битик бадиий асар дегани бўлади. Бадиий асарнинг вужуди, иморати сўз, тил бўлар экан, агар асарда тилки чатоқ бўлса... Нима бутун?

Анчайин ишонч билан айтиш мумкинки, модернизм Ғарб ҳодисаси сифатида ўзбек маънавий муҳитида нашъу намо топа олмайди. Модернистик қора ва тушкун кайфият бизда илдиз ота олмайди. Шарқона исломий маънавият, ўзбек маънавияти бунга йўл қўймайди. Юқорида тилга олинган гурунгда ёш адиб Исажон Султон айтган «руҳий хаста одамлар кайфиятини акс эттирган асарлар» ёзишга берилган адиблар бир нарсани ёдда тутишлари лозим. Ҳали ҳеч ким адабиётнинг улуғ принципи Халқчилликни бекор қилгани йўқ. Бадиий адабиётнинг буюк тарбиявий ролини ҳам.

Улуғ шоиримиз талотум бир замонда айтган эди: «Заминдай вазмину меҳнаткаш мушфиқ, Истаган нарсангни тайёрлагувчи Халқ бор — отанг бор.» Халқнинг олис ва мазмундор тарихи бор. Қолаверса, меҳнаткаш ўзбек бор. Халқ бадиий адабиётда ўзининг эзгу ва тиниқ қиёфасини кўришни истайди. Бу истак аслида талабдир.

Асл адабиёт эзгуликка хизмат қилади. Эзгу ҳислар туғдиради. Қолгани шайтони лаиндан.



Қамбар ОТА

## БУ ДУНЁНИНГ ЙЎЛЛАРИГА БОҚ...

* * *

Бу дунёда Ватанни
Ҳеч ким топиб олмаган.
Юртини сотганлар бор,
Аммо сотиб олмаган.

Ўзгалар Ватанига
Ёвузларча ўқ отиб,
Дайдиб ғайри ерларда
Кезган ғафлатга ботиб.

Тортиб олинган замин
Ҳеч ватанлик қилмаган.
Зўравоннинг қорни тўқ,
Аммо бахти кулмаган.

Бегуноҳ тинчин бузиб,
Қилгани учун жабр
Унга ўз тупроғидан
Насиб этмаган қабр.

* * *

Дардларига шерик бўлиб замоннинг
Дардмандларга яшаш осон бўлмагай.
Иймонини пок сақлаган инсоннинг
Қадри тушиб, умри арзон бўлмагай.

Асл фарзанд қилмас элга хиёнат,
Топганини бағишлайди халқига.
Фидойининг келганда ҳам қиёмат
Кўҳна тарих дуо ўқир ҳақига.

Эй ўзбегим, Ватанига садқойим,
Бир-бирингдан кам бўлмагин дунёда.
Тупроқ олсанг олтин топгин илойим,
Нонинг бутун, умринг бўлсин зиёда.

* * *

Ташвишу ғамдан озод, юзлари тиниқ болам,
Узр энди сўзларим туюлса хунук, болам.
Сенга камдир битта гап, икки гап кўплик қилар,
Тинглашга йўқ тоқати, ўт-олов, ёниқ болам.

Кексани сийлаш одат, халқ удумин бузма, бас,
Қилма заррача меҳру лутфингга интиқ, болам.
Ҳайрону лол бўлмагин, аввалги отанг эмас,
На чора, эзма-мижғов меҳмонинг инжиқ, болам.

Ёдда тут, дунёдаги қатли заҳарлар аро
Бўлса фарзанд сабабдан, тил заҳри кўп аччиқ, болам.
Ботмасин деб танингга хасми, чўпми ё тикон,
Ташвишим ҳаддан баланд, қалбимда санчиқ, болам.

Тушмагансан осмондан ҳозирги ҳолингда сен,
Девдай қоматинг билан эркатой кичик болам.
Униб-ўс, топ барака, оғир олма, уқ бироқ,
Қамбар Отанг айтди дилдан гапини очиқ, болам.

### ЎЗИМГА ТЎРТ НАСИҲАТ

Тентак билан тенглашмагин,
Аҳмоқ билан ўйнашмагин,
Эзма билан сўйлашмагин,
Пастлар билан бўйлашмагин.

* * *

Севгига хоинлар, иймони йўқлар
Хотин талашади, эр талашади.
Ватан, халқ туйғуси, иймони йўқлар
Элни етим қилиб, Ер талашади.
То қадалмагунча кўксига ўқлар,
Ўзга тупроқлардан гўр талашади.

### ТЎРТЛИКЛАР

Бу дунёнинг йўлларига боқ:
Эгри-бугри, чалкаши кўпроқ.
Кимдир эплаб манзилга етар,
Кимдир ўтар чангитиб тупроқ.

* * *

Нодон кимлигини ҳеч билмас,
На-да эрта, на-да кеч билмас.
Ўзгалар дилини оғритиб,
Ўкинч билмас, ўтинч билмас.

* * *

Кимнингки дилида ишқни тумор айлаган сатри йўқ,
Мол танир, одам танимас, иймони, юз хотири йўқ.
Ўзидан ўзгага асло эзгуликни раво кўрмас,
Ўз қадрини билмаган каснинг элда бир чақа қадри йўқ.

* * *

Дабдурустдан дўстларни унутиб қўйган,
Ўзин осмон, ўзгаларни бир хасдай туйган...
Қўйгин уни... Яратгандан икки ёш катта,
Худодан қўрқ, деб бўлмайди унга, албатта.

* * *

Оллоҳ кимнинг юрагини қумдан ясаб,
Кимларнингдир юрагини мумдан ясаб,
Қуйилгувчи, эригувчи қилиб қўйган.
Нега сенинг кўксингдаги тошдан, ажаб?!

* * *

Дема: осмон бошимизда пурвиқордир,
Эҳтимол , у биздан ҳам кўп хокисордир.
Тап-тап этиб Ой, юлдузлар ковушлари,
Тепасидан келар оёқ товушлари...

Баҳс

Ҳусан КАРВОНЛИ

# ИККИ ЙЎЛ СИНТЕЗИ

Агар адабиётнинг мангуликка дахлдорлиги нуқтаи назаридан қарасак, бугунги жараённинг табиий эканлигини англаймиз. Миллий насримизда турфа йўналишлар ҳаракатланаётгани, адабиётимиз жаҳон адабиёти билан бўйлашишга интилаётгани ҳамда бугунги баҳс кўнглимиздаги умидларни чўғлантиради.

Баҳсни бошлаб берган катта ёзувчимиз Шукур Холмирзаев(«Кечирасиз, жаноб Карпентер, вақтим зиқроқ». «ЎзАС», 31-сон) насрдаги анъанавий йўл — реализм билан янги йўл — модерн ёзувчиларимиз ижодини қиёслар экан, ўз йўлига содиқлиги важидан реализмга мойиллигини яширмайди. Бунга табиий ҳол сифатида қараш лозим. Шундай эса-да, адиб янги йўналишда деб ҳисоблаганлардан Шодиқул Ҳамро ижодига яхши баҳо беради:

«Шодиқул Ҳамронинг асарларини ҳаммаям силлиққина қабул қила олмайди. Бироқ ундаги воқеаларга ишонади, даҳшатга тушади: ундаги руҳий товланишлар оғушида тентирайди ҳам... ва инсон ҳақида нимандир кашф этади».

Худди шундай: «инсон ҳақида нимандир кашф этиш»ни устоз адибимизнинг ўзининг ижодига нисбатан ҳам ишлатамиз. Қайсидир бир йили, у пайтда талаба эдим, бир домламиз куйинганнамо «Шукур Холмирзаев ўзини ёзиб қўяди», деди. «Тўғри-да, — дедим, — ўзини ёзмай, кимни ёзсин? Шунинг учун ҳам унинг асарлари ўқишли, рост ва ўзбекона. Ҳозиргиларнинг кўпчилиги ўзини ёзишни эпламасдан туриб, бошқаларни ёзиб ётибди. Баъзи қаҳрамонларига дўппи ва чопон кийдирсангизда, ўзбекча ўйламайди, ўзбекча гапирмайди, миллати нотайин, хаёлий».

Модернист шоир Баҳром Рўзимуҳаммад ҳам баҳсга қўшилар экан(«Ҳаёт тажрибалари ва хаёл чиғириғи». «ЎзАС», 33-сон), янги йўналишга муҳаббатини ошкор этади ва куюиниб савол қўяди: «Ўйлаб қоласан: реализм андозасида модернизмга баҳо бериш мумкинмикан ўзи?».

Б.Рўзимуҳаммад саволига жавоб савол: реализмга модернизм андозасида баҳо бериш мумкинми?

Менингча, Ш.Холмирзаев модернизмга реализм андозасида эмас, нафис адабиёт, умуман, сўз санъати нуқтаи назаридан муносабат билдиради. Буни адибнинг ТИЛ ҳақидаги мулоҳазалари ҳам тасдиқлайди. Фақат Ш.Холмирзаевгагина эмас, балки барчамизга хоҳ реализм, хоҳ модернизм ё бошқа йўлда бўлса, завқ берувчи, қувват берувчи ГЎЗАЛ АДАБИЁТ керак!

Модернистлардан Саломат Вафо қамровни янада кенгроқ олиб, дейди: «Бугунги жаҳон адабиёти биз ишонган, ўрганган эстетик қарашларга асосланмайди, у тақдир ва қисмат курашларидан безган, миллийлик чегараларидан чиқиб кетганига кўп бўлган» («Ёшлар насри ўз йўлидан боради...». «ЎзАС», 32-сон).

Аввало, миллийлик ҳақида. Тақдир ва қисмат курашларидан безиб, олайлик, ўзи билан курашиш умуминсониятга хосу миллийликка хос эмасми? Назар Эшонқул айтдики: «Миллийлик бу она тили жозибаси, миллий тафаккур қуввати билан дунёда мен ҳам мавжудман, менинг ортимда ҳам шундай халқ бор, шундай тарих бор, мен ҳам сизлар каби қудратлиман деб айта олиш ва шу қудратни кўрсата олиш ҳамдир». («Ёшлар насри ўз йўлидан боради...»). Жуда тўғри. Ўзбек адиблари ўзбек миллати тарихи, бугуни, миллий тафаккури қудратини ўша жаҳондагиларга кўрсатиб берибгина умумжаҳон маданияти, адабиётида ўз ўрнини эгаллашлари мумкин. С.Вафо айтганидек, бугунги жаҳон адабиёти(ҳаммаси эмасдир? — Ҳ.К.) миллийлик чегараларидан чиқиб кетган экан, фикримча бунга ижобий ҳол сифатида қараш, уларга ҳавас қилиш ноўрин. Балки, уларда бутун-бутун миллатлар аралаш-қуралаш бўлиб, ўзлигини бой бериб, йўқолиб кетаётгандир?.. Адабий жараённи ижодкор таржимаи ҳоли, ижтимоий муҳит билан боғлиқликда тадқиқ этишга бизда ҳамон қўл урилмагандек назаримда.

Сўзининг охирида С.Вафо «Ғарбнинг саргардонлиги» ҳақида гапирар экан, уларнинг ўзларига қайтаётгани, бир вақтлар шарқдан таъсирланишганини эслаб, энди «биз ўзимизга қайтамиз... эркин руҳий олам, озод тафаккур билан ўзимизни яна бир бора кашф этамиз...», дейди. Буниси яхши.

Энди яна савол туғилади: ўзининг таъбирича, «хаёллар маҳсулини ёзаётган» О.Мухтор, Н.Эшонқул, С.Вафо асарларига ёқинқирамай қараган Ш.Холмирзаевга нега улар сафидан деб ҳисобланаётган Ш.Ҳамро ижоди ёқиб қолди экан?

Жавобни устознинг ўз сўзларидан илаймиз: «...миллий насримиз юқорида зикр қилинган икки йўлнинг табиий омухталигида ривожланади». Ш.Бўтаев бу фикрни тўлдиради: «Мукаммал асар ичида бу йўналишларнинг барчаси эркин ҳаракат қила олади. Бир-бирига халақит бермай, бир-бирига чатишиб ҳам кетади, — айтайлик, фантастик жараёнларда реализм намоён бўлади. Реализмнинг мистик ҳодиса эканлиги бўй кўрсатади. Наср йўналишини индивидуал ижодкорнинг хаёлоти, изланишлари белгилайди».

Ш.Холмирзаевга Ш.Ҳамро ижодидаги худди шу нарса: тилга олинган икки йўлнинг синтезлашуви, бошқа қардошларидан фарқли ўлароқ бўртиброқ турган миллийлик, ўзбек миллий тафаккурининг янгича йўналишдаги ифодаси, ўзбек характерини очиб бериши ёқмадимикан?

Н.Эшонқулнинг «Шамолни тутиб бўлмайди», С.Вафонинг «Сукунат туни» ҳикоялари ҳам худди шундай изланишлар маҳсули сифатида эътиборга лойиқ.

«Сукунат туни» ҳикоясининг («Ёш куч», 2000 йил, 6-сон) бош қаҳрамони — энди ўттиздан ошганда дардга чалиниб, оёқ-қўли ишламай қолган, қандай гуноҳлар қилиб, Яратганнинг йўлидан қолган, айро тушганини сезмай, қандай «тавба» этишни билмайдиган одам. У қари ота-онасига юк бўлиб қолганидан изтироб чекиб, улар ва аммаси ҳамроҳлигида мозорга — улуғ боболари ётган жойга, сукунат диёрига келади. Уни тавба қилишга ундайдилар. У эса, тавба қилмайди, қилолмайди, сукунат: «Сукунатда ҳамма нарса бор эди».

Кечқурун қабристон қоровули, зиёратчи хотин, ота-она, амма — ҳаммаси тинч уйқуга кетади, «бутун олам ухларди». У эса, қўрқади, ухлаёлмайди, йиғлайди, саволлар гирдобида қолади, даҳшатга тушади, «мен — тупроқман» деган иштибоҳни мингинчидир бор хаёлидан ўтказгач, хотиржам уйқуга кетади. Эрталаб тургач, «умрида биринчи бор ўзига яқинроқ келгани»дан розилик туяди.

«Сукунат туни»даги воқеа Лотин Америкаси, Африка ё Оврўпода эмас, Ўзбекистонда рўй беради. Ўзбекларгина (бошқа шарқ халқларида ҳам бордир балки — Ҳ.К) дардга чалинса, аввало, Оллоҳдан деб, азиз-авлиёлар мозори, муқаддас қадамжоларга паноҳ тилаб, тавба қилиб, бош эгиб боради. Гап бунда эмас асли. Гап қаҳрамон кечираётган руҳий изтироб, ўзликни излаш, яшашдан маъно қидиришда. Бу — барча халқлар адабиётига хос. Миллийлик ўша миллатга мансуб ҳаёт тарзига асосланган тафаккур, миллий қадриятлар замиридаги қарашлар воситасида ўзини излаётган Инсонни тасвирлаш. С.Вафо ўзбек ҳам америкалик ёки овруполик каби ўзини англашга интилаётган Инсон эканлигини кўрсатиб беради.

Назаримда, ўзбек насри Ш.Холмирзаев айтганидек, анъанавий ва модерн йўл синтезлашуви, миллийликка таянган ҳолда ривожланади. Унда инсонни турли руҳий ҳолатларда турфа усуллар, шакллар воситасида тафтиш қилиш, тасвирлаш кучаяди. Ҳар икки йўл, бошқа йўлларни ҳам ўқиб-ўрганган, керакли жиҳатларини ўзлаштирган ва, албатта, айтадиган ўз Сўзи бор ёзувчилар XXI аср ўзбек насрининг ижодкорлари бўладилар, адабиётимиз ривожига ҳисса қўша оладилар.

Модомики, барчамиз ўзбек адабиётининг буюк адабиёт бўлишини хоҳлар эканмиз, карпентерларни, ўзбек «карпентерлар»ини, анъанавий йўналишдаги адабиётимиз — Ш.Холмирзаев, М.М.Дўст, Э.Аъзам, Т.Мурод асарларини ўқишдан, адабий чангалзорлару гўзал боғларимизга сайр этишдан эринмайлик.

Яна бир гап.

Устоз Шукур Холмирзаевнинг 20-25, борингки, 30 ёшли ижодкорлар ҳақидаги гапи шу ёшдаги адабиёт ихлосманди, ўзини ижодкорликка талабгор деб билган бир ҳаваскор сифатида мени оғир ўйга толдирди...

Сал илгарироқ бир тенгдошим «Тенгқурлар ўзаро баҳс уюштирайлик, «Мен нега шеър ёзаман?» деган мавзуда бир нарса ёзиб беринг», деб қолди. Унга «Мен нега шеър ёзмаяпман?» деганга ўхшаш нарса қоралаб бераман, деб жавоб бердим. Ҳафсаласизлик қилиб, ёзмадим. Бошқа тенгдошларим ҳам, бири журналда ишлайди, бири газетада ишлайди ҳам талаба, бири радиода; бирови фақат модернистларни ўқийди, бошқаси реалистларни, яна бирови ўқимай ҳам қўйган, ёзишмади шекилли, баҳсимиз бўлмади. Мана, энди мавриди келди.

Ростдан, А.Қодирий, А.Қаҳҳорлар 30га етмай туриб, илк романларини эълон қилган ва бу асарлари улар ижодининг чўққиси сифатида қаралади. Шоирларни-ку, айтмай қўяқолай. Бугун 25 ёки 30га кирган, шаклланиб қолган ёзувчини кўрсата оламизми? Йўқ. Нега? Наср йўли шунчалик қийинми? Ёки ҳафсаласизлик, чидамсизликми бизнинг авлодимизни «ушлаб турган» нарса? Мутолаа камлиги, бошқа ижтимоий, иқтисодий сабаблар туфайлими жимлигимиз? Саволлар кўп. Жавобни эса билмадим. Вақт — ҳакам. Бир суҳбатда таниқли мунаққид Иброҳим Ҳаққул «ботинда ёзилаётган асарлар» ҳақида сўзлаган эди. Ҳар ҳолда тенгдошларим ичида «ботинида ёзаётганлар» борлигидан умидворман...

# БАРЧАСИ ДИДГА БОҒЛИҚ

Акс-садо

Дид ҳақида гапирганда, кўпинча, унинг даражалари унутилади.Шу боис аксарият ҳолларда «дидли» ёки «дидсиз» иборалари ишлатилади. Менинг назаримда, бу хийла умумий баҳолардир. Масалан, киши дидли бўлиши мумкину бироқ у нарса ва ҳодисаларнинг умумий жиҳатларидан, сийратидан келиб чиқиб, унга баҳо бериши мумкин. Бундай даражадаги дид ўсмай қолган, такомиллашмаган бўлади ва шундай даражадаги малака, савия билан берилган баҳо, менингча, саёзликка, ўртамиёналикка йўл очади, имкон туғдиради. Мазкур ҳолат санъатнинг барча турларида юз бериши мумкин, хусусан, шеъриятда ҳам.

Газетанинг ўтган сонида нуроталик Ҳамдам Эшонқуловнинг куюниб ёзган («Шеърнинг қадри тушмасин», «ЎзАС», 2000 йил, 11 август сони) мулоҳазаларини ўқиб, ҳақиқатан ҳам кейинги пайтларда айрим нашрларда саёз шеърлар кўпайиб қолгани, оддий, ўртамиёна машқларни жамлаган китобчалар чиқиб турганини эътироф этмоқ жоиз. Хўш, бундай машқларнинг юзага чиқаётгани сабаби нимада? Менингча, бунинг сабаби ўша газета ва журналлардаги масъул ходимларнинг лоқайдлиги ёки талабчанликни сусайтириб юборишганидир. Табиийки, бундай чиқишлар умумий «дидсизликни» тарбиялайди, шеърият қадрига путур етказади ва назмбозликнинг авж олишига турткi беради.

Ҳақиқатан ҳам, жўн қораламаларни шеър ўрнида эълон қилиш шеъриятни қадрлаб юрган чинакам мухлисларга ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас.

Албатта, мен бу мулоҳазаларни бир китобхон сифатида айтаяпман.

Бу билан ўзимни юксак дидли шеършунос қилиб кўрсатмоқчи эмасман. Аксинча, бугунги кунда мунаққидлар, шоирларимиз шеъриятда пайдо бўлаётган саёз, бўтана оқимни юксак дид ва теран таҳлиллар билан фош этишлари, айни пайтда, биз каби кўп сонли шеър мухлислари дидини ҳам тарбиялаш, ўстиришга ғамхўрлик қилишлари лозим.

**Алишер АҲМЕДОВ**



СУРАТДА: (чапдан) Исроил СУБҲОНИЙ, Садриддин Салим Бухорий, Эшқобил Шукур ўзаро суҳбатда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Адҳам Даминовга онаси
**Сайдиниса ая ҲАМДАМОВА**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси, М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жўрабек Набиевга волидаи муҳтарамаси
**НИЁЗБИБИ ая**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Олим Отахоновга отаси
**Қобил ҳожи ОТАХОНОВ**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

*Қандай китоб ўқидингиз?*

# «УЧИНЧИ ТЎЛҚИН» НИМА?

(Боши 2-бетда.)

донга келган. Пролетариат капитализмнинг гўркови. Коммунистлар уларнинг ҳаммасини синф сифатида тугатиб, бутун дунёда ҳақиқий эркин, бахтиёр, адолатли ҳаётни барпо этадилар. Бизлар роса хом сут эмган бандалар эканмиз — шу гапларга лаққа тушиб, ишониб қўяқолибмиз, ахир, бу «назария» жамиятга нифоқ солувчи, ҳаммани бир-бирига душманлик руҳида, нафрат руҳида тарбияловчи назария-ку, ундан қон ҳиди келиб турибди-ку, деб ўйлаб ҳам кўрмабмиз. Тўғрисини айтганда, ўйлай ҳам олмас эдик, чунки бизнинг тафаккуримиз шўровий қолиплардан ташқарига чиқмас, биз ўзимизни «Правда»нинг бош мақоласига қараб, созлаб юришга ўрганган эдик. Ниҳоят, 1991 йил етиб келди — шўро ҳукумати гумбурлаб қулади, унинг билан бирга бу ҳукуматнинг мафкуравий таянчлари ҳам кунпаякун бўлди. «Синфий кураш» назариясининг тубдан нотўғрилиги аён бўлди. Шунда ўз-ўзидан жуда жиддий саволлар кўндаланг бўла бошлади: хўп, синфий кураш тарихнинг локомотиви эмас экан, хўш, уни ҳаракатлантирадиган куч нима бўлсайкан? Тарих қандай ҳаракат қилади-ю, қандай босқичларни бошидан кечирган? Капитализм ёшини яшаб, ошини ошаб умрини тугатибди, социализм муддатидан олдин тарих саҳнасини тарк этибди, хўш, буёғи нима бўлади? Инсоният қандай жамият сари кетяпти — эртанги кунимиз, XXI аср қандай бўлади, бизни нималар кутаяпти? Кўриняптики, бу саволлар ғоятда муҳим ва айни чоғда бениҳоя мураккаб саволлар. Мен ақлим етганича уларга жавоб изладим, ҳар хил китобларни кўрдим, турли фаразлар ва башоратлар билан танишдим, лекин мени ҳар томонлама қаноатлантирадиган тузукроқ жавоб тополмадим. Айтмоғим керакки, бу муаммоларнинг жавобини сўнгги йилларда биринчи марта ўлароқ қисман бўлсада, Элвин Тоффлернинг «Учинчи тўлқин» китобидан топдим. Хўш, «тўлқинлар манзараси»нинг моҳияти нимада?

Муаллиф инсоният тарихини учта цивилизациядан иборат деб ҳисоблайди. Албатта, у «тарих» деган тушунчадан инсоният ёввойи тарзда умр кечирган даврларни соқит қилади, уларга тўхтаб ўтирмайди. Унинг фикрича, инсоният тарихидаги Биринчи тўлқин — қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган цивилизациядир. Бу цивилизация ер юзида ўн икки минг йил атрофида давом этган. У ўзига яраша ютуқларга эришган. Бу ютуқлар нафақат иқтисодиёт соҳаси билан чекланди, балки маънавий ҳаётда, фалсафада, санъатда ҳам катта ўрин эгаллади. Деҳқончилик цивилизацияси жуда теран гуманистик руҳ билан суғорилган фалсафий тизимни, юксак аҳлоқни, тугал дунёқарашни ҳам яратган. Лекин тарихий тараққиётнинг тақозоси билан вақти соати келганда у ўз ўрнини Иккинчи тўлқинга бўшатиб беришга мажбур бўлди. Тоффер инсоният тарихида бу тўлқиннинг бошланиш даврини жуда аниқ кўрсатади — у тахминан 1650-1750 йилларга тўғри келади, янада аниқроқ айтганда, бу тўлқин Англияда Патерсон томонидан буғ машинасининг ихтиро этилган даврига тўғри келади. Иккинчи тўлқиннинг илк қадамлари сустроқ ва ожизроқ кўринган бўлса-да, жуда қисқа муддат ичида у оламшумул қудрат касб этди, унинг суръатлари бениҳоя тезлашди ва инсоният ҳаётининг ҳамма жиҳатларини ағдар-тўнтар қилиб юборди. Бу ўринда гап саноат инқилоби ҳақида кетаётгани англашиларли бўлса керак. Ҳар хил қитъалар ва минтақаларда бу ҳодиса ўзига хос номлар билан атала бошлади. Жумладан, шўролар даврида бу ҳодисани ифодаловчи «илмий техник инқилоб» деган атама кенг сингишиб кетган эди. Тоффлер Иккинчи тўлқинни ҳам инсоният тарихида жуда катта рол ўйнаган қудратли тўлқин эканини таъкидлаб, уни индустриал цивилизация деб атайди. Олим табиий равишда бу икки цивилизация ўртасидаги энг муҳим фарқларни очиб беради. Бу фарқлар ҳар икки цивилизация ишлаб чиқаришининг ўзига хослигида, ишлаб чиқариш усуллари ўртасидаги тафовутда кўринади. Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш ҳам энергия сарфлаш асосига қурилади. Лекин қишлоқ хўжалик цивилизациясида минглаб йиллар мобайнида одамнинг мускул кучи, иш ҳайвонларининг кучи, қуёш, шамол, сув кабиларнинг қувватидан фойдаланилган. Тоффлер бу энергия манбаларини табиатда ўз-ўзидан қайта тикланадиган манбалар деб атайди. Иккинчи тўлқин цивилизацияси эса нефть, кўмир ва газ каби қазилма бойликлар энергиясидан фойдаланиш асосига қурилган. Фойдаланганда ҳам жуда катта миқдорларда, амалда чекланмаган даражада фойдаланади. Бу манбалар эса табиатда қайтадан пайдо бўлмайди, уларнинг ўрни ўз-ўзидан тўлиб қолмайди, заҳиралар ҳар қанча катта бўлгани билан, бир кун эмас-бир кун тамом бўлади. Унда жаҳон миқёсида оқибатига ақл бовар қилмайдиган энергетик таназзуллар бошланади. Шундай қилиб, Иккинчи тўлқин цивилизацияси ишлаб чиқариш бобида инсоният учун ҳар қанча қулайликлар ва бойликлар келтирмасин, ишлаб чиқаришнинг характерига кўра, биринчи қадамларданоқ табиатни емиришга, унга сезиларли зиён-заҳмат етказишга асосланган.

Тоффлер бу билан чекланмайди, албатта. У китобининг салкам 200 саҳифасини Иккинчи тўлқин цивилизациясининг анатомиясини батафсил таҳлил қилишга, унинг ичак-чавағини ағдариб, жамики ижобий ва салбий тамойилларини очиб беришга бағишлаган. Бу саҳифаларда ишлаб чиқаришнинг, саноатнинг табиати унинг объектив қонуниятларини барпо этгани ва бу қонуниятлар ўз навбатида индустрия ривожининг юксак суръатларини таъминлаб туришини кўрсатиб берган. Жумладан, саноатнинг стандартлаштириш, ихтисослаштириш, жамлаш, кат-талаштириш, уйғунлаштириш ва марказлаштириш каби принциплари бутун-бутун мамлакатларнинг иқтисодий фаровонлигини таъминлаган принциплар экани асарда ишонарли очиб берилган. Шуниси қизиқки, кейинчалик жамиятнинг умумий иқтисодий қонунияти даражасига кўтарилган бу принциплар жуда жўн, жуда оддий кашфиётлардан бошланган. Масалан, 1860 йилнинг охирида темир йўлда почта ходими бўлиб ишлайдиган Теодор Вайль деган одам юборилган мактублардан бир шаҳарнинг ўзига ҳар хил йўллардан, ҳар хил муддатларда боришини пайқаб қолган. Бу аҳволни яхшилашни ўйлаган Вайль почтани манзилга етказишда стандартлаштиришни жорий этишни таклиф қилади. Бу аввал почта соҳасида, кейин бутун дунё саноатида чинакам инқилобий ўзгаришларни туғдиради. Ёки ихтисослаштиришни олайлик. Ихтисослаштириш нақадар улуғ самара берганини Тоффлер машҳур иқтисодчи Адам Смитнинг асарларидан олинган бир мисол билан далиллайди. Адам Смитнинг ёзишича, игна тугма чиқарадиган фабрикада ҳар бир ишчи битта игна тугма чиқариш учун 18 хил операцияни бажарар ва бир кунда йигирмата игна ишлаб чиқарар экан. Фабрика хўжайини ҳар битта одам фақат битта операцияни бажарадиган қилиб қўйипти. Натижада 10та одам бир кунда 48 минг дона (!) игна тугма чиқарадиган бўлипти.

Тоффлернинг китобида бундай ҳаётий мисоллар жуда кўп. Улар шундан далолат берадики, жамият ҳаётидаги силжишларни фуқаролар ўртасидаги қирғин-баротлар, биродаркушлик жанглари, бир-бирларини «синф» сифатида қириб битиришлар эмас, балки биринчи қарашда арзимас кўринадиган, аслида бутун иқтисодиётда ҳақиқий инқилоб ясайдиган янгиликлар ва кашфиётлар таъминлар экан. Тоффлер бунақа қонуниятлар социалистик иқтисодиёт учун ҳам муштарак эканини алоҳида таъкидлайди.

«Учинчи тўлқин» китобининг муҳим фазилатларидан яна бири шундаки, унда иқтисодиёт соҳасидаги ўзгаришлар инсоннинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ва руҳий фаолияти билан узвий алоқада таҳлил қилинади. Масалан, Иккинчи тўлқин цивилизациясига хос ишлаб чиқариш ўз хусусиятларига кўра, муқаррар равишда одамни ўз меҳнатининг натижасидан, ишлаб чиқарадиган маҳсулотидан бегоналаштиради, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасида катта жарликни вужудга келтиради. Бундай салбий ҳодисалар жамиятда турли-туман ижтимоий-психологик хасталиклар ва мажруҳликларни туғдиради. Улар ичида, айниқса, ёлғизлик, депрессия, тушкунлик, яшашнинг маъносизлигини ҳис қилиш каби ҳодисалар ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Хуллас, Иккинчи тўлқин жамоалари нафақат иқтисодиёт тўғрисида ўйламоқлари зарур, балки айни чоғда, ижтимоий психология ҳақида ҳам, жамиятнинг руҳий ва маънавий соғломлиги тўғрисида ҳам тинимсиз ғамхўрлик қилмоқликлари талаб қилинади.

Тоффлер китобининг жуда катта қисми — 500 саҳифаси Учинчи тўлқин цивилизациясига бағишланган. Олимнинг тасдиғига кўра, унинг аён нишонлари бугуннинг ўзидаёқ жамият ҳаётининг турли соҳаларида етакчи тамойиллар сифатида намоён бўлмоқда. Кириб келаётган ХХ1 асрда эса бу цивилизация бошдан-оёқ ҳукмронлик қилади ва инсоният ҳаётининг ҳамма қирраларида жуда катта ўзгаришларни вужудга келтиради. Тоффлер Учинчи тўлқин олиб келадиган цивилизацияни Ахборот цивилизацияси деб атайди. У бутунлай янги, аввалгиларга тубдан ўхшамайдиган цивилизация. Тоффлергина эмас, бошқа кўпгина файласуфлар ва ижтимоиятчилар ҳам ҳозир кириб келаётган цивилизация инсоният тарихида мутлақо янги давр очишини, бу давр қаршисида фан ва техника асри деб тан олинган ХХ аср худди неолит давридек ёки ибтидоий жамоа тузуми давридагидек жўн ҳамда кўримсиз бўлиб қолишини сезишган ва буни таъкидлашган. Ахборот цивилизацияси — электроника даври, мураккаб ва мукаммал компьютерлар даври, инсон онгига хос бўлган жуда кўп кемтикликлардан холи бўлган сунъий интеллект даври бўлади. Табиийки, бу даврда нафақат иқтисодий тизимлар ҳозир биз тасаввур ҳам қилолмайдиган даражада ўзгаради, балки инсоннинг жамики яшаш тарзида, тафаккурида, психологиясида ҳам буюк янгиликлар майдонга келади. Бугуннинг ўзида бу янгиланишнинг етакчи хусусиятларини тусмоллаб бўлса-да, тасаввур қилишга имкон берадиган ўзгаришлар содир бўлмоқда. Албатта, кичик бир тақризда буларнинг барини айтиб тамом қилиб бўлмайди. Бундан ташқари, бу вазифани менга ўхшаган номутахассис одам ёлчитиб эплаёлмайди ҳам. Шунинг учун янги цивилизациянинг белгилари ҳақидаги гапни шу ерда тўхтатиб, бошқа бир масалани ўртага қўймоқчиман. Гап шундаки, биз, яъни айрим ўзбек зиёлилари жаҳоншумул масалалар ҳақида, умумий ривожланиш тамойиллари тўғрисида гап кетганида, кўпинча уларнинг моҳиятига чуқурроқ кириш ўрнига, «бизнинг ҳаётимиз бошқа, биз шарқона фикрлаймиз, шарқона одоб-ахлоққа риоя қиламиз, шарқона қадриятларимиз бор, ғарбнинг гапи бизга тўғри келмайди», деган тарзда мулоҳаза юритамиз-у, ўзимиз билан ғарб ўртасида, бизнинг турмушимиз билан ғарб ҳаётидаги тамойиллар ўртасида кўзга кўринмайдиган тўсиқ ўрнатиб оламиз. Менингча, бу мутлақо тўғри эмас. Гап шундаки, бугунги дунёда миқёслар, кўламлар ўзгариб кетяпти, ҳудудлар, тўсиқлар кучдан кетиб, ҳеч кимни бошқалардан тўсиб, пана қилишга ярамай қолган. Американинг қайси бир олис штатида эсган шабаданинг эпкини оқшом чўкмасдан Тошкентга ҳам етиб келади. Назаримда, Элвин Тоффлер жон куйдириб таҳлил қилаётган Учинчи тўлқин шу қадар катта қудратга эгаки, уни ҳеч иккиланмай Нуҳ айлайҳиссалом даврида бутун дунёни босган тўфонга қиёсласа бўлади. Бутун оламни босадиган тўфон эса салмоғи Қуванинг анорича келадиган курраи заминимиз узра қўзғолса, буниси Ғарб, буниси Шарқ деб ажратиб ўтирмаса керак. Ҳар ҳолда, Учинчи тўлқин ғарбгагина ёхуд фақат ривожланган мамлакатларга хос нарса, унинг бизга дахли йўқ, бу гал ҳам у бизни четлаб ўтади, деб хомтама бўлиш, юмшоқ айтганда, соддадилликдан бошқа нарса эмас. Шунинг учун кутилаётган янгиликларни, кириб келаётган Янги асрни тайёргарлик билан кутиб олиб, унга муносиб бўлишга интилмоқ керак.

Элвин Тоффлер китобига Карлос Фуэнтеснинг «Муҳаббату шоду ҳуррамликми ёхуд ўлим келтираркин бизга бу дунё?» деган сўзларини эпиграф қилиб олган. Менимча, ҳаёт-мамот масаласини кўтарган, ташвиш ва хавотирга тўла бу хитобга нима деб жавоб бериш одамларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковатига, эзгу-ниятларига, меҳр-мурувватларига боғлиқ.

*Айрим қўшиқларга ўхшатма*

## ЭШИГИНГНИ БИЛМАЙ ОЧДИМ...

«Эшигингни билмай очдим,
Ичкарида кимлар бор?»

**Эшигингни билмай очдим,**
**Ичкарида кимлар бор?**
**Навбат кутмай келавердим,**
**Висолингга бўлиб зор.**

**Казо-казо ва ҳоказо...**
**Ошиқларинг минг нафар.**
**Аммо ишқинг кўйида ҳеч**
**Абгори йўқ мен қадар.**

**Эшигингни билмай очдим,**
**Ўтирарди беш эркак.**
**Сенга боқмай ура қочдим,**
**Ҳар не бўлса, жон керак!..**

**Эшигингни билмай очдим...**

## ДАВРАДАГИ БИР ГЎЗАЛ

«Даврадаги бир гўзал менга сирли боқмоқда,
Сўзласам, сўзларимнинг маъносини чақмоқда.»

**Даврадаги бир гўзал менга сирли боқмоқда,**
**Сўзласам, сўзларимнинг маъносини чақмоқда.**
**Толим-толим чўзилган лағмон эрур сўзларим,**
**Ул доно гўзал ёрим қулоғига «тақмоқда».**

**Ўзи жуда келишган йигитман-да, сўрсангиз,**
**Йўлимда қатор-қатор сулув қизлар, кўрсангиз.**
**Ақлу-ҳушим жойида, суҳбатим ҳам кўп жонон —**
**Чайналмайман сира ҳам қай мавзуга бурсангиз.**

**Санъатдаям ўрним бор, иқтидорим бинойи,**
**Онда-сонда телвизўрда қип тураман хиргойи.**
**Укуви йўқ ҳофизлар яхши шеър деб овора,**
**Мен учун тайёр қўшиқ — ҳар бир гап-сўз алжойи...**

**Даврадаги бир йигит менга ногоҳ ўқрайди,**
**Балки анов гўзални рашк қилганга ўхшайди.**
**Бу ҳолат ҳам кўп аъло, ижод учун муддао:**
**Демак яна зўр қўшиқ, шеър туғила бошлайди.**

## БОР, БОР!

«Кўчамизда бир қиз бор,
Кўзлари хумор-хумор.
Унга қараб тўймайсиз,
Юзларида кулгичлари бор.
Бор, бор!..»

**Бизда битта ҳовли бор,**
**Атрофи баланд девор.**
**Бир кеб қолиб куймайсиз,**
**Боғда олма, анор бор.**
**Бор, бор!..**

**Ён ҳовлида бир қиз бор,**
**Уни суйдим мен юз бор.**
**Қандоқ қилиб суймайсиз —**
**Яп-янги «Тико»си бор.**
**Бор, бор!..**

**Яна битта қўшним бор,**
**Шеър дардида кўп бемор.**
**«Қўшиқ ёздим, куйлайсиз»**
**Деб қўймайди у донгдор.**
**Бор, бор!..**

**Менда қандай армон бор?**
**Ҳар кўчада тўй, алёр.**
**Куйлаб сира қўймаймиз,**
**Токи тинглар одам бор,**
**Яна «қистир-қистир» бор...**
**Бор, бор!..**

**Сирожиддин РАУФ**

# ЯШАСИН ЁМҒИРЛАР!

У пайтларда биз ёмғирларда шалаббо бўлиб юришни яхши кўрардик. Ўсмирликнинг, ёшликнинг оқ, нурли ёмғирлари.

Биз — муртимиз энди сабза ура бошлаган, сочларимиз ўсиқ, елкада, юртнинг турли гўшаларидан келиб, дорилфунунга ўқишга кирган паст-баланд болалар, ўша пайтлар, яъни етмишинчи йиллар адабиётига гуриллаб кириб келаётган шоир-ёзувчилар билан яқиндан таниш бўлган, шундан фахрланиб юргувчи, Талабалар шаҳарчасининг эрка, тантиқ талаба шоирлари. Барча ёзган шеърларимиз бир дафтар бўлмайди-ю, оламни шеър ва севги билан забт этгудаймиз. Адабиёт деса ҳамма нарсанинг бахридан кечамиз. Адабиёт — биз учун байрам, туганмас қувонч, дарсга бориш йўқ, тайёрланиш йўқ, сессия бор, стипендия йўқ. У пайтлар Талабалар шаҳарчаси шеърият кечаларининг, адабий учрашувларнинг ҳақиқий марказига айланган эди. Биз ёмғирларда шалаббо бўлиб, ивиб шоир ва ёзувчиларни кутардик, кўклам осмонида қалдироқлар тантанавор даврон сурарди, еру кўк чексиз бир сурурга тўлиқ, дунё — гўзал, олам ям-яшил эди.

Усмон Азим бизнинг кўнглимизга ўшал қалдироқлару, ўшал оқ ёмғирлар билан кириб келди.

Эркин Аъзам ўшал осмонлару ўшал ям-яшил олам билан бизни ром этди, буткул шайдо этди.

Булар яхлит шаклланиб келаётган катта бир авлод, бу икки номни у оқшомлар, у адабий анжуманлардан ситиб олиб, алоҳида ажратиб бўлмаса-да, биз — бир гала шоир бола шуларнинг тўпига аралашиб, қоришиб юрардик, улар — қалдироқлару чақинлар, шамоллару ёмғирларга тўлиқ булутлар, биз — дашту далаларимиздан эндигина кўчиб келган гиёҳлар, уларга доим интиқ ва муштоқ яшардик.

**Тонг титрайди кеч кузакнинг қучоғида,**
**Юлдузларни ўчирмоқда гулгун шафақ.**
**Жоним, қалбим шеъриятнинг пичоғида...**
**Замин — тилсим, осмон — тилсим, шеър — бешафқат!**
**...Кўкка боқдим, ўт туташди жоним аро,**
**Қат-қат булут қатларида не сир-асрор!**
**Ҳайрат ичра ўлдиргуси мени само,**
**Она замин, бир учайин, қўйиб юбор!**
**...Ҳали бутун рўйи жаҳон шеър бўлажак,**
**Фақат бекор билиб ором кучоғини —**
**Бу дунёни сирга кўмиб яшаш керак,**
**Қалбга санчиб шеъриятнинг пичоғини!**

— Ў-ў! Ў-ў! — дердик биз, — шеърни кўрдингми?! Мана шеър, мана шеърият!

Бу шеър бизнинг ўша — ҳаяжону ҳайратларга лиммо-лим, шеър симириб ўтказган кечаларимизнинг, орзу-ниятларимизнинг чин манзумасига айланган эди. Дамларимиз тотли эди, ҳаволар, олаётган нафасимизгача тотли эди, кўринмас, чексиз бир шавқу сурур бизни яшашга, «шеъриятнинг пичоғини қалбга санчиб» яшамоққа ундарди. Оламда эса...

**Сездингми, ҳавода бир армон ҳиди,**
**Оламда турналар учмоқда, синглим!**

Кейин «Инсонни тушуниш» деган юпқагина нофармон рангли шеърий китобча чиқди. Юпқагина бўлса-да, Талабалар шаҳарчаси адабий муҳитини ларзага келтирган китобча. Мактабдан келган, тасаввуримиздаги шеърларни синдириб ташлаган мутлақо янги, тоза шеърлар. «Мени севинг, мендан нафратланинг», «Инсонни тушуниш», «Подполковник Фатеев», «Бойчечак», «Параллел чизиқлар», «Сен йўқ эдинг...», «Бойсун ҳақида ғамгин баллада...». Бу шеърларнинг ҳаммасини биз ёд билардик, ёд айтиб юрардик. Кўнглимизнинг, руҳимизнинг оқ ёмғирларига айланиб қолди бу шеърлар. Дилимизда уйғонаётган илк дарду оғриқларимизга



шеърий жавоблар эди улар.

**Опа, Ватан — улуғ дард,**
**Опа, Ватан боғ бўлсин!**
**Шеърда суратин чизсам,**
**Тўрт мучаси соғ бўлсин!**

Кейин, муқоваси йўртиб бораётган қизғиш рангли тулпорлар расми ила безанган «Чироқлар ўчмаган кеча» номли юпқагина насрий китоб чиқди. Талабалар шаҳарчаси ётоқхоналарида, «журфак»у «филфак»да гап-сўз бўлган, қанча кечаларимизни завқу шавққа тўлдирган, ажиб ҳаяжонлар бахш этган ажиб ҳикоялар. Димоғимиздан, гарчи болаликнинг ислари ҳали кетмаган бўлса-да, «Шайтончалар кўчаси»ни ўқиб кўнгилларимиз тўлган, биздан кетмоғи муқаррар бир тиниқ, беғубор оламнинг соғинчу орзиқишларидан кўзларимизда ёшлар айланган.

**«Салом, эй соғинтирган ардоқли оҳанглар! Салом, эй унутилган ҳислар, орзу-хаёллар! Қандоқ тотли, қандоқ дилбар, қандоқ оромижонсиз! Шунча маҳал қайда эдингиз?.. Салом, кенг осмон! Мунча беғуборсан, мунча порлоқсан! Бағрим ҳозир Сенинг беғуборлигингга, порлоқлигингга, рангин наволарингга лиммо-лим... Сизни шарафлайман, ҳаётбахш оҳанглар! Салом, соғинтирганларим!»**

Кейин... шаҳарчамизни арининг уясидай тўзғитган, «журфак», «филфак»лардан ўтиб «физфак», «геофак», хуллас шаҳарчада нимаики «фак» бўлса, ҳаммасида бирдай шов-шув қўзғатган «Отойининг туғилган йили» қиссаси чиқди. Бўлди байрам, бўлди овоза! «Гулистон» журналининг қисса давомли қилиб босилган икки-уч сони талабалару домлалар орасида қўлма-қўл бўлиб, тўзиб, титилиб кетганди. Ҳамма талабаларнинг оғзида шу қисса. Ўша кунлар ёшлар орасида оммавий тарзда ўқилган ёлғиз насрий асар «Отойининг туғилган йили» эди. Лоф эмас, бор гап бу.

*Нигоҳ*

Бу шеърлар, бу қисса ва ҳикоялар бизни маълум маънода улғайтирдилар, қалбимизни, руҳимизни тарбияладилар, маълум маънода бизнинг ҳам йўлимизни белгилаб бердилар.

Бир кеча... улар — бир тўп, биз — икки шоир бола — қалдироқлару чақинлар орасидаги ёмғир толалари янглиғ уларга қўшилиб автобусмиди, «Уазик»миди чиқиб олдигу кетдик. Ҳайдовчи ҳайрон, булар сархуш ва сармаст, «Истаган томонингизга ҳайданг!», дебон бор овозда, бир овозда ашулани бошлашди-ку!

**Шифойи васл қадрин, ҳажр ила бемор ўландан сўр,**
**Зулоли завқ шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.**

**Лабин сиррин гелуб гуфтора бандан ўзгадан сўрма,**
**Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр.**

Ҳайдовчи ҳам бу ажабтовур йўловчиларнинг ҳолатини тушунди шекилли, кулиб, мазза қилиб ҳайдади, ҳайдайверди. Шаҳар уйқуда, мошин тўла далли-девоналару қўшиқ, қанча йўллару қанча бекатлар бир ажиб бедорликнинг, ғаройиб бир саргаштликнинг гувоҳи бўлди ўша кеча. Қўшиқ тобора авжга чиқарди:

**Гўзи ёшлуларин ҳолин не билсун мардуми ғофил,**
**Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.**

**Хабарсиз ўлма фаттон гўзларинг жаврин чеканлардан,**
**Хабарсиз мастлар бедодини хушёр ўландан сўр.**

**«Ғамингда шаъмтак ёндим»...** дейилганда ҳаммалари бир қалқишди, бир қалқишди-ей! **«Муҳаббат лаззатиндан бехабардир зоҳиди ғофил»** дея авжини олишганида оламга ёнғин кетгандай бўлди, бу кайфият ҳайдовчига ҳам охир-оқибат таъсир кўрсатди шекилли, у бирдан ғалати маъюсланиб қолди. Фузулий ҳазратларининг ғазаллари ҳам яралгандан буён бундоқ ажойиб саргузаштни илк маротаба бошдан кечирган бўлса керак. Кейин ёмғир бошлади, ҳаммамиз мошиндан тушдик, акаларимиз уй-уйига, биз яна шалаббо бўлиб ярим кечаси ётоқхонамизга келдик. Кейин

Муҳаммад Раҳмон ёзади:

**Ёмғир — Вақт,**
**Шамол — Вақт,**
**Гул ҳам — Вақт,**
**Кирмоқдамиз бизлар ўттизга.**

«Ўттиз ёш» дейилгани бизлар учун у беғубор, маъсум дамларда ниҳоятда катта, улуғ бўлиб кўринган эди. 20—21 яшар ўсмирларга энг яқин акаларимизнинг ўттиз ёшни қоралаб қолгани уларни биздан анча олислатгандай, Вақтнинг шафқатсизлигини шафқатсизларча билдириб қўйгандай эди. Осмонларимиз ҳам сокин тортиб қолди. Талабалик тугади. Найсон булутлари янглиғ ҳар томонга тўзғиб кетдик.

«Дарс», «Сурат парчалари», «Иккинчи апрел», «Бахшиёна», «Уйғониш азоби», «Ғусса» китоблари, буёғи 25—30 йиллик ижодий умрнинг бор дарду изтиробларини ўзида жамлаган «Сайланма» шеърлар тўплами...

«Отойининг туғилган йили», «Олам ям-яшил», «Жавоб», «Байрамдан бошқа кунлар» қисса ва ҳикоялар тўпламлари...

Бу китобларнинг бари жамланиб, бир шоир, бир адибнинг илк шеъру ҳикояларидан бошлаб то ҳозирга қадар адабиётимизда ўзига муносиб ном қозона олганини, ўз сўзи ва нима учун келганини, муроду муддаосини исботлай олмайдими?.. Усмон Азим ва Эркин Аъзам — бир тупроқ, бир юртда ўсиб ўлғайган, бир дашту далаларнинг ҳавосини симириб катта бўлган, **«Бир бўғиздан чиққан икки хил қўшиқ»:** назмий ва насрий қўшиқлар.

**Йилларнинг олдида алдоқлар хордир!**
**Мангулик — қалбларда ярқ этган ҳаёт.**
**На унвон, на шуҳрат, на мансаб бордир,**
**Фақат ҳаёт бордир, эй, Адабиёт.**

**«Яхши-да, одамларнинг ўртасида нимадир бўлгани яхши — одам эканини эслатиб туради».** Раҳматли Асқад ака **«Эркин Аъзамнинг бош ташвиши — одамларнинг маънавиятидир»,** деб ёзганларида адибнинг бутун ижодига ҳам, ҳаётига ҳам сарлавҳа бўла оладиган қисқа ва лўнда таърифни айтиб кетганлар. Неча авлод болалари бу шеърият ва бу насрга ҳавас қилиб, ўқиб-ўрганиб, аллақачон шоир-ёзувчиларга айланиб кетдилар. Абдулла ака **«Элликда одамлар қирол бўлишган»** деганларидек, Усмон Азим билан Эркин Аъзам эллик баҳор, эллик ёзни яшаб, ҳақли равишда ўз сўзларининг иморатини тиклай олган шоир-ёзувчиларимиздан. Йиллари, заҳматларию оқарган сочлари ўзлариники, лекин асарлари ҳаммамизники, барчамизники. Худо узоқ умр берсин, сиҳатлик берсин деймиз. Биз ўсмирлик чоғларимизни, шеъру шукуҳга ғарқ кечаларимизу оқ ёмғирларнинг севинчу шодликлари ила серфайз онларимизни қўмсаганда шу акаларимизни кўз олдимизга келтирамиз, мақтовни ҳам, танбеҳни ҳам аямаган, йўл-йўриқ кўрсатган, таъна-дашномлари ҳам бизни яхшиликларга йўлатган шу жондошу дилдошларнинг китобларини варақлаймиз. Ва **«Яшасин ёмғирлар!»** деймиз, **«Яшасин яхшиликларга сарф бўлган йиллар»,** деймиз. Зотан, ёмғирлар ҳамиша мусаффолигу тиниқлик, севинчу сафолар келтиргусидир!

**Сирожиддин САЙИД**

## ЗАМОНАВИЙ РОБИНЗОН КРУЗО

***Миниатюра***

Тасвир: — Қалин ўрмонзор чеккасидаги шох-шаббадан ясалган кичкинагина бошпана. Унинг олдида соч-соқоллари ўсиб, ёввойи одам холига келган Робинзон Крузо таёқ билан бошоқ янчиб ўтирибди.

РОБИНЗОН: — Мана, кимсасиз, одам оёғи етмаган, гадой топмас жойга келиб қолганимга ҳам кўп йиллар бўлди. Умр ўтаверар, қаерда, қачон, қай ҳолда, фарқи йўқ. Эҳ, у давру давронлар. Икки қаватли кошинли қасрлар, духоба тўшалган йўлаклар, Дубайдан келтирилган энг сўнгги нусхадаги моллар, машиналар, аксирсанг «лаббай» дейдиган хизматчилар, енгингдан кириб, кўксингдан чиқадиган хонимчалар, пачка-пачка кўку қизиллар... ўтди, ҳаммаси, ҳаммаси ўтди.

**Эҳ, умр ўтар, вақт ўтар,**
**Насия ўтар, нақд ўтар,**
**Ёлғон ўтар, аҳд ўтар,**
**Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан,**
**Кайфу сафоларим, сарҳуш онларим...**

(Шу пайт чайланинг шоҳ-шаббалари шитирлайди ва ортидан одам боши кўринади).

РОБИНЗОН: — Ким у? Ким бўлди? Э, худо? Наҳотки, мен одамни кўраяпман. Тушимми, ўнгимми? Ким... кела қолсанг-чи, кела қол.

Тасвир: — Чайла ортидан ярим ялонғоч, сочлари хурпайган, соқоли ўсган киши намоён бўлади ва ғалати ҳаракатлар билан Робинзонга яқинлашади. Ажабтовур овоз чиқариб унинг рўпарасига чўкка тушади. Қўлларига янчилган буғдойдан олиб каппалайди.

РОБИНЗОН: — Ҳай, ҳай, нима қилаяпсан, буғдой кўрмаганмисан?... Буғдойни ун қилиб, ҳамир қориб, нон пишириб кейин ейди. Майли ўрганиб кетасан. Қаердан келиб қолдинг(имо-ишоралар қилади). Тушунмадим, майли, бу ёғига тил топишиб кетармиз. Мана икки киши, яъни икки ёрти бир бутун бўлдик. Хўш, мен Робинзон Крузоман, тушундингми?.. Балли. Сени исминг нима?.. Менимча, тушунмадинг. Майли, сени исминг... дарвоқе, бугун кун нима эди, ха. Жумавой. — Сени исминг Жумавой.

ЖУМАВОЙ: — (Ғалати овоз, турли ҳаракатлар билан) Менинг исмим Жумавой, менинг исмим Жумавой, Жумавой...

РОБИНЗОН: — Балли, ана исм қўйиб олдим. Яъни, мен Крузо, сен Жумавой. Яхши.

ЖУМАВОЙ: — Менинг исмим Жумавой, Жумавой, Сенинг исминг... Қўзивой.

РОБИНЗОН: — Нима, нима дединг?

ЖУМАВОЙ: — Менинг исмим Жумавой, сеники Қўзивой.

РОБИНЗОН: — Ё тавба, сен... сен..., мени қаердан биласан?

ЖУМАВОЙ: — Сенинг исминг Қўзивой, «Очофат» фирмасининг бошлиғи... Қўзивой, Қўзивой...

РОБИНЗОН: — Йўқ, мен Робинзон Крузоман! Тўхта, тўхта, сен... сен... ўзи қаердан келдинг!

ЖУМАВОЙ: — Солиқ идорасидан...

РОБИНЗОН: — Э, худо, шу ерга ҳам етиб келдинг-ми? (Қочади. Жумавой уни тутмоқчи бўлиб қувади. Крузо яқиндаги дарёга ўзини отади ва шўнғиб кетади).

ЖУМАВОЙ: — Тўхта, тўхта, ярамас, солиқни тўлаб кет. Тўхта, Қўзивой... У, муттаҳам Крузо, яна қўлдан чиқиб кетди-я. Ҳали, ҳали, шошмай тур. Барибир топаман.

**Эгамназар СОҲИБНАЗАРОВ**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ*

**Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ**
ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
2000 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91

*Танқид ва адабиётшунослик, санъат бўлимлари: 136-56-48*
*Ижтимоий ҳаёт, наср ва назм бўлимлари: 136-56-50*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00. Босишга топширилди — 20.00.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 279. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

Тиражи—6288.